*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 4 август ЧОРШАНБА

№ 61 (12.281)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## МАЪНАВИЯТ ВА АДАБИЁТГА ЭЪТИБОРНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйи ва поликлиникаси капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди**




Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимизнинг маънавий ҳаётини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш адабиёт ривожи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Миллий адабиётимизни ривожлантириш, ижодкорларнинг меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" асарларида адабиётнинг, соҳа вакилларининг жамиятимиздаги ўрни ва таъсирига юксак баҳо берилган. Миллий адабиётимизни ривожлантириш бўйича ёзувчилар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар юзасидан атрофлича фикр билдирилган. Зеро, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг ўрни, таъсири ва аҳамияти беқиёсдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароит яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фонди ташкил этилди. Миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғариш ва йўналтириш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг самарали ижодий фаолиятини таъминлаш мақсадида улар учун зарур маиший, тиббий хизматлар кўрсатиш ва бошқа шарт-шароит яратиш, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийларга аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш, ижодий кўрик-танловларни ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларнинг ижод намуналарини, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш, халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъана ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадиий ифодасини топган мумтоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинишини ҳамда интернетда кенг тарғиб этишни молиялаштириш каби масалалар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

... 31 июль куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйига ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёш ижодкорлар йиғилди. Улар бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижод аҳли учун яратилган шарт-шароит билан танишдилар.

"Дўрмон" ижод уйида биринчи босқичда амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари жараёнида ижодкорларнинг мароқли дам олиб, самарали ижод қилиши учун барча шароит муҳайё этилди. 58 ўринли ижод уйи капитал реконструкция қилиниб, замонавий мебель жиҳозлари, маиший буюмлар, алоқа воситалари билан таъминланди. Бу ерда кутубхона, дам олиш, стол тенниси, шахмат-шашка хоналари, замонавий ошхона, бассейн барпо этилди. Ҳудудда кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси ҳам тамомила янги қиёфа касб этди. Поликлиникада етмиш нафар юқори малакали тиббиёт ходими уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларига замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида тиббий-профилактика хизмати кўрсатади.

..."Дўрмон" ижод уйи ва поликлиникани фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Б. Алимов, Ўзбекистон халқ шоири М. Тоир, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т. Қўзиев, Республика Маънавият-тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов ва бошқалар ижод уйи ва поликлиникада яратилган шарт-шароитлар Президентимиз Ислом Каримовнинг ижод аҳлига қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлигининг амалдаги яна бир ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда бунга жавобан юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳиятини, мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий янгиланиш жараёнларини, бунёдкор халқимизнинг турмуш тарзи ва онгу тафаккурида юз бераётган ўзгаришларни бадиий маҳорат билан талқин ва тарғиб этиш, ёш авлодни она Ватанга, истиқлол ғояларига садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялашга, халқимиз маънавий дунёсини бойитишга хизмат қиладиган янги бадиий асарлар яратиш қалам аҳлининг маънавий бурчи эканлиги қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**



## СИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗДАСИЗ

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш баробарида касаначилик ва ҳунармандчилик бўйича халқимизнинг қадимий анъаналарини тиклаш ҳамда кенг йўлга қўйиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири.**

Шуниси эътиборлики, уй шароитида халқ ҳунармандчилиги бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган тадбиркорлар учун солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилди. Бу ҳунарманд тадбиркорлар фаолияти кўламини замон талаблари даражасида кенгайтириш имконини бермоқда.

– Биз ўз фаолиятимизни 2005 йилда бошлаганмиз, – дейди Бўка тумани Наврўз маҳалласида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Дилбар Қодирова. – Оиламиз билан халқимизнинг қадимий ҳунармандчилик анъаналаридан бўлган дўппидўзлик билан шуғулланамиз. Мен бу касбни устозим Марям Аҳмедовадан ўрганганман. Бугун ўзим маҳалламиздаги ўн беш нафар келин ва қизларга устозлик қилаяпман. Яқинда юртимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ҳунармандлар учун ўтказилган "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" кўрик-танловининг туман босқичида шогирдим Камола Мавлонова билан иштирок этдик. Унда шогирдларим билан тайёрлаган ироқи, Тошкент, Андижон ва Марғилон дўппилари ҳамда тўйбола салласи ва бошқа қатор халқ амалий санъати йўналишларидаги ишларимизни намойиш этдик. Ушбу санъат асарлари тадбир иштирокчиларида қизиқиш уйғотганидан мамнун бўлдик.

Дилбар Қодирова сингари тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳунармандлар ва касаначилар сафи янада кенгайиб бораяпти. Уларнинг гул қўллари билан яратилган маҳсулотлар бозор ва хонадонларимизни безаяпти.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА:** Дилбар Қодирова шогирди Камола Мавлоновага дўппидўзлик сирларини ўргатмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ИШОНЧ – КАТТА КУЧ

Тўйтепа шаҳридаги Муқимий маҳалласи аҳолисининг Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, ЎзЛИДеП аъзоси Мирзокир Позилов билан учрашуви ташкил этилди. Ўзига хос бу ҳисобот тадбирида депутат ўз фаолияти, аҳоли мурожаатлари юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди. Хусусан, шаҳардаги Оқил Шарафиддинов кўчаси аҳолиси ҳомийлик маблағларини жалб этиш орқали тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бир неча маҳаллаларда йўллар таъмирланди.



Депутат касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшмоқда. Хусусан, кредит олишда бир неча тадбиркорга амалий ёрдам берди. Туябўғиз қўрғонида маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 13 та қўшимча иш ўринлари яратилишига сабабчи бўлди.

Учрашувда депутат "Баркамол авлод йили" Давлат дастуридаги тегишли бандлар ижроси юзасидан ҳам атрофлича маълумот берди.

Тадбирда маҳалла фаоллари, туман ҳокимлиги ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

**Саид АСҚАРОВ.**

**СУРАТДА:** оқсоқоллар билан маслаҳат.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

### 2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

## САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

**Мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида 1 август куни талабаликка қабул учун тест синовлари бўлиб ўтди**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юртимизни янада равнақ топтириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш имконини бермоқда. Бу борада қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги қонун ёшларга билим беришни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, реал иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун юксак салоҳиятли, мустақил фикр юритадиган, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, таълим сифати ва мазмунини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу йил олий таълим масканларига қабулда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндошилгани, бунда иқтисодий-ижтимоий жабҳаларда кадрларга бўлган талабга мувофиқ мутахассислар тайёрлаш йўналишлари, муайян янги факультет ва ихтисосликларнинг жорий этилгани бунинг далилидир.

Тошкент архитектура-қурилиш институти қурилиш ва меъморчиликка ихтисослашган йирик олий таълим даргоҳларидан биридир. Юртимизда қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш, чекка ҳудудлардаги аҳолининг тураржой шароитини тубдан яхшилаш, қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятга молик объектлар ва муҳандислик инфратузилмаларини барпо этишга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми сифатида ушбу олий таълим муассасасида "Қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий лойиҳалаштиришни ташкил этиш", "Қишлоқ қурилишини лойиҳалаш" каби янги таълим йўналишлари очилди.

Юртимизда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини янада соғломлаштириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тиббий маданиятни юксалтиришнинг замонавий механизми яратилган. Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлда қабул қилинган "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, тиббиётнинг долзарб масалаларига оид илмий изланишлар олиб бориш, аҳолига тезкор ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда Тошкент тиббиёт академиясининг муҳим ўрни бор. Мазкур билим даргоҳида тайёрланаётган кадрлар бугунги кунда оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, шифохоналар, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий масканлар, сиҳатгоҳлар, санитария-эпидемиология муассасаларида самарали меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ТОШКЕНТ ТУМАНИ

#### ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

**«Бешқўрғон» маҳалласида янги ҳунармандчилик тикув цехи иш бошлади.**

Цехда бозор талаби ва буюртма асосида кийим-кечак, ўрин-кўрпа жилдлари тикиш йўлга қўйилган Тадбиркор Дилфуза Дўстмуҳамедова раҳбарлик қилаётган кичик ишлаб чиқариш корхонасида 10 дан ортиқ аёллар ишламоқда.

### ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

#### ОЙДИН КЎЧАЛАР

**Мустақилликнинг 19 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида шаҳарда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари авж олди.**

"Максам-Чирчиқ", "Ўзбеккимёмаш", "Чирчиққишхўжмаш", шунингдек, коммунал хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий қўмитаси каби қатор корхона ва ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари билан А. Навоий ва марказий кўчалар тартибга келтирилди.

### ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

#### РИНГДА 15-16 ЁШЛИЛАР

**1996-1997 йилларда таваллуд топган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.**

Унда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 180 дан ортиқ ҳаваскорлар ўзаро куч синашишди. Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган 18-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси С. Актамов бронза медалини қўлга киритди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

### КАСАБА УЮШМАЛАРИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

## САРҲИСОБ ЖИДДИЙ, ТАҲЛИЛ ЧУҚУР БЎЛДИ

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмасининг IV конференцияси бўлиб ўтди. Делегатлар бирлашма кенгашининг раиси Муҳайё Тўлагановaнинг вилоят касаба ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолиятига доир ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилишди.**

Маърузачи ва нотиқлар таъкидлашдики, мамлакатни модернизация қилишнинг Президент томонидан ишлаб чиқилган дастурлари жамият ҳаётини барқарорлаштириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга, ҳар томонлама камол топган, маънавий ва ахлоқий етук, юксак билимли, жисмонан соғлом баркамол авлодни тарбиялашда ҳал қилувчи омилларга айланди. Касаба уюшмаларининг давлат бошқарув идоралари, хўжалик ташкилотлари билан уч томонлама ижтимоий ҳамкорлиги бу жараёнлардаги муваффақиятларга асос бўлаётир.

Корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа шартномалари ва битимлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Жамоа шартномаси асосида ҳисобот даврида 1000 га яқин янги иш ўрни барпо этилди, – деди "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба қўмитаси раиси Илҳом Қурбонов. – Баркамол авлод йилида 500 га яқин йигит-қиз Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртларида ўқитилаяпти. Металлурглар шаҳрида истироҳат боғлари, сузиш ҳавзаси, ўйингоҳ барпо этилди. Умуман, корхонамизда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат қонунчилигига риоя этиш яхшиланиб бораяпти.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бўстонлиқ туман бирлашган қўмитаси раиси Жамшид Орипов иштирокчилар эътиборини таълим-тарбия муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш масалаларига қаратди. Маърузачи ҳам бу муаммога алоҳида тўхталиб, бир қатор касаба қўмиталари, кенгаш ва вакилликлар бу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлардан ўз вақтида, мақсадли фойдаланмай, лоқайдлик қилаётганини алоҳида таъкидлади. Юқоричирчиқ ва Паркент туманлари машина-трактор паркларида, Ангрен шаҳридаги "Сувоқава" корхонасида, "Пискент пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамиятида, Чиноз йўл хўжалиги корхонасида меҳнат муҳофазаси бўйича қабул қилинган битимларда кўзда тутилган чора-тадбирлар маблағ етишмаслиги баҳонасида фақат 50-70 фоиз бажарилди.

– Иш пайтида шикастланиш, касб касаллигига чалиниш ёки бошқа зиён-захмат учун иш берувчилар зарар пулларини тўлашни пайсалга солмоқдалар, – деди маърузачи. – Натижада касаба уюшмалари юқори идораларига ёрдам сўраб ариза берувчилар кўпайиб бормоқда. Ҳисобот даврида 120 га яқин ходимнинг шу маънодаги аризаси бирлашма кенгаши ва аъзо ташкилотлар мутахассисларининг аралашуви билан ҳал этилди.

Конференцияда маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш, сайланма касаба идоралари фаолиятини ташкил этиш, қуйи ташкилотларга раҳбарлик савиясини кўтариш борасидаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, мавжуд нуқсонларни бартараф этиш йўл-йўриқлари кўрсатиб ўтилди. Асосий вазифа вилоят касаба ташкилотларида ўтган ҳисобот-сайловларда билдирилган мулоҳазалар, танқидий фикрлар асосида ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтириш, янги сайланган касаба етакчилари билан ишлашни самарали ташкил этиш, улар ўз низомий вазифаларини изчил бажаришлари учун амалий ва услубий ёрдам кўрсатишдан иборат. Барча куч ва имконият бошланғич ташкилотлар ишчанлигини ошириш, уларнинг мавқеини кўтариш, пировардида кундалик фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилмоғи лозим.

Конференцияда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, шу мақсадда касаба фаолларининг ўқувини такомиллаштириш, адлия, меҳнат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириб, соғломлаштириш долзарб муаммога айланиб бормоқда. Бу мақсад учун ажратилаётган ижтимоий суғурта маблағи йил сайин камаяётгани, йўлланмалар нархи кўтарилиб бораётгани, тўланадиган фоиз йўлланма қийматининг 40 фоизи миқдорида белгилангани дам олувчилар камайишига, санаторий-профилакторийдаги ўринлар қисқаришига олиб келаётир.

(Давоми 3-бетда).

# САРҲИСОБ ЖИДДИЙ, ТАҲЛИЛ ЧУҚУР БЎЛДИ

Шундай бир шароитда йўлланмаларни тиббий хулосаларсиз, меҳнат таътили ҳақидаги буйруқдан кўчирмасиз, шунингдек, бегона шахсларга тақсимлаш ҳоллари юз бермоқда. Шундай нуқсонларга йўл қўйилаётган Ёқилғи-энергетика мажмуаси, Кимё саноати ва геология, Автомобиль, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари вилоят вакилликлари, Агросаноат мажмуи, Таълим ва фан, Соғлиқни сақлаш ходимлари, савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмалари вилоят кенгашлари конференцияда жиддий танқид қилинди.

Касаба ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, унинг самарадорлигини ошириш учун нима қилмоқ керак? Касаба кадрларини тайёрлаш, ташкилотчилик малакасини кўтаришнинг яна қандай усул ва услубларини ишга солиш мумкин? Суғурта ва аъзолик бадаллари маблағларини мақсадли йўналтириш устидан назорат барча ташкилотларда ҳам таъсирчан йўлга қўйилганми? Маърузачи ва нотиқлар шу ва бошқа масалаларни таҳлил этиб, касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигига эришиш мақсадларига алоҳида тўхталишди.

Конференция касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли деб баҳолади ва бирлашма тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлади.

Конференция вилоят касаба ташкилотлари бирлашмаси раҳбар органларини сайлади. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси вазифасида ишлаб келаётган Шуҳрат Деҳқонов касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раислигига сайланди.

Конференцияда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Дилбар Жаҳонгирова сўзга чиқишди.

Конференция ишида вилоят ҳокими Рустам Холматов иштирок этди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# БАРЧА ШОДЛИК СИЗГА БЎЛСИН!

**Бугун вилоятимизнинг соя-салқин, сўлим гўшалари ҳар қачонгидан гавжум. Айниқса, болажонларнинг севимли маскани бўлган дам олиш оромгоҳлари янада серфайз.**

Олмалиқ шаҳридаги "Аммофос-Максам" масъулияти чекланган жамиятига қарашли "Чимён" болалар соғломлаштириш оромгоҳи гўзал табиати, тоза ҳавоси, виқорли чўққилари билан барчани мафтун этувчи Чимён тоғ ёнбағрида жойлашган.

Ёз – болаларнинг мириқиб дам олишлари, уларнинг турли тадбирларда иштирок этиб, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кенг имкон берувчи давр. Бу мавсумда нафақат мазкур корхона ишчилари фарзандлари, балки Тошкент, Чирчиқ, Бекобод, Ангрен шаҳарлари ва вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги кам таъминланган оила болалари дам олишмоқда. Бу йилги иккинчи мавсумда 530 болажон соғломлаштирилди. Дам олувчи болаларда "Ўзбекистон куни", "Чимён париси", "Ёш йигитлар", "Янги эртак", "Туғилган кун" тадбирлари бир олам таассурот қолдиряпти.

Оромгоҳда турли тўгараклар иш олиб бормоқда. Масалан, Розия Зиёева раҳбарлигидаги "Чимён ранглари" ва "Совғалар устахонаси", Александр Давидов бошчилигидаги моделлаштириш, Дмитрий Пак раҳбарлигидаги футбол тўгараклари болажонлар ихтиёрида.

Бундан ташқари волейбол, баскетбол, шашка, шахмат, армрестлинг, дарц ва сузиш тўгараклари ҳам болаларнинг соғлом ҳаёт кечиришларида катта аҳамият касб этаётир.

**Шокир ХАЛИЛОВ.**




## XXI аср ва ДУНЁ

### ҚЎМОНДОН УЙИНИ КИМ ПОРТЛАТДИ?

**Ғазо секторида ХАМАС ҳаракати қўмондонларидан бирининг уйида кучли портлаш юз берди.**

Reutersнинг шу ҳақда тарқатган хабарида портлаш оқибатида 24 киши жабрлангани қайд этилган. Қурбонлар ҳақида хабар берилмади.

ХАМАС вакилларининг таъкидлашича, портлаш дала қўмондони Алаа ал-Данафнинг уйида содир этилган ва яқин-атрофдагилар ҳам зарар кўрган. Ал-Данафнинг ўзи қандай аҳволда эканлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаяпти.

Ҳаракат вакилларининг фикрича, портлаш Исроил томонидан уюштирилган. Бироқ, Исроил ҳарбийлари барча айбловларни рад этдилар, дея таъкидлайди Reuters.

Исроилнинг харбий ҳаво кучлари 30 июль куни Ғазо сектори ҳудудига зарба берган пайтдаги отишмалар чоғида ХАМАСнинг дала қўмондонларидан бири Исса ал-Батран ўлдирилгани ҳақида ҳам хабар тарқатилди. Бир кун олдин эса жангарилар Исроил ҳудудини ўққа тутган эдилар.

### БЕШ МИНГ КИШИ ҚАТЛ ЭТИЛДИ

**Италиянинг Hans Off Cain ташкилоти тақдим этган ҳисоботда Хитой ҳамон энг кўп қатл маросими ўтказиладиган мамлакат бўлиб қолаяпти.**

Ҳисоботда келтирилган маълумотларга қараганда 2009 ва 2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатда суд ҳукми билан қатл этилганлар беш минг кишига етди. Ҳудди шу даврда дунёнинг қолган мамлакатларида 5679 жиноятчи қатл этилди.

Эрон бу соҳада Хитойдан кейинги ўринни эгаллади. Бу мамлакатда кейинги бир ярим йил ичида 402 киши устидан чиқарилган ўлим жазоси ижро этилди.

Ҳисобот муаллифларининг эътироф этишларича, келтирилган маълумотлар нисбий ҳарактерга эга, чунки улар оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари хабарларига асосланган. Бунинг сабаби шуки, кўпгина мамлакатларда қатл маросимлари ҳақидаги расмий ахборотлар оммага эълон қилинмайди.

НИГОҲ

### ЕЧИМИ ЙЎҚ МУАММО

**АҚШнинг Минессоти штати Адвокатлар коллегияси экспертлари Тожикистоннинг ҳукумат тизими ҳужжатларини ўрганиб, шунингдек, давлат хизматчилари ўртасида сўров ўтказиб, ғалати хулосага келдилар: "Тожикистонда ўз жонига қасд қилиш – кун тартибидан тушмайдиган доимий муаммо."**

Ғарб мутахассисларининг бу хулосаси мамлакат раҳбарлари устидан ўзига хос ҳукм бўлмоғи лозим. Шунингдек, бу ерда "кун тартибидан тушмайдиган доимий муаммо" ибораси белгиловчи омил бўлиб қолмоғи керак. Афсуски, ўзини ўзи ўлдириш ҳам жамиятнинг ҳамма "паст" табақаларида ҳукм сураётган нохуш ижтимоий кайфият сингари доимий ва ўзгармас иллатдир. Каттаю кичикни ўз жонига қасд қилишга аслида нима мажбур қилаяпти? Кейинги икки ўн йиллик давомида мамлакатда юзага келган ночор ҳаётдан безиш ва мутлақо иложсизлик эмасми ахир?

Шунинг учун кўп ва хўб азият чеккан Сўғд вилояти ўзини ўзи ўлдириш масаласида етакчи ўринга чиққан экан, бунинг ажабланарли ери йўқ. Зеро, бу музофот Тожикистон ҳукумат доиралари назаридан доимо четда қолиб келган. Ўтган йили вилоятда 260 га яқин ўз жонига қасд қилиш ҳаракати қайд этилди. Вилоят ички ишлар бошқармаси хабарларига қараганда, 37 кишига нисбатан "ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш" моддаси билан жиноий иш қўзғатилди. Бироқ булар ҳақиқатан ҳам айбдормилар? Оиладаги эркаклар ва оталар ўз хотинлари ёки болаларига қўл кўтарган эканлар, бунда айб нимада ёки кимда? Наҳотки, бу иш жойи ва иш ҳақи йўқлигидан оила ҳузурида эрлик шаъни топталаётганидан, энг ёмони – мутлақо иложсизликдан, арзимаган жанжал сабаб, алам ва жаҳл устида хотини ва фарзандларига қаттиқроқ дўқ-пўписа қилиб юборган оталарнинг айби бўлса? Биз юзага келаётган вазиятларга бир қадар тор доирада қарамаяпмизми? Ахир, одам маънавий қиёфасини йўқотар экан, бу, аввало, у яшаётган ҳаёт ва унинг имкону шарт-шароити сабабли юз беради. Бизнинг юртимиздаги ҳозирги ҳаёт айрим "биринчи" шахсларнинг саъй-ҳаракатлари "шарофати" билан ачинарли аҳволда.

Шундай экан, "ўз халқига қарши жиноят" моддаси бўйича жиноятчининг қора курсисига ким ўтириши керак аслида? Ва фақат "ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш" эмас, балки...

Етишмовчилик, очлик, бунинг устига ҳукмдорлар уюштирадиган турли йиғимлар мамлакат аҳолисини шундай аҳволга солдики, ҳозир 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган тожикистонликларнинг 70 фоизида ўз жонига қасд қилишга мойиллик бор. Ахир булар мамлакатнинг, миллатнинг эртанги ҳаётмамотини таъминлайдиган одамлар! Марҳамат қилиб айтингчи, Тожикистонда ўзини ўзи ўлдираётганлар кўпайгандан-кўпайиб бораверса, эртага янги авлодни ким туғиб, тарбиялайди?

Бу энди нафақат доимий, балки доимо хавф солиб турувчи муаммо. Бунинг устига у поғоналашиб бораяпти. Маълумотларга қараганда, уйда оила аъзоларини калтаклашни одат қилаётган эркаклар кўпайиб бораяпти. Ҳозир 90 фоиз эркаклар учун ўз хотин ва фарзандларини аямай савалаш оддий одат бўлиб қолди. Хўш, доимий калтаклар "таъми"-ни тотиб ўсган, аммо ўз венасини кесишга, сирка ичишга, осиш ва юқори қаватлардан ўзини ташлашга жазм этолмаганлар эртага улғайиб, ўзлари оила қурсалар, у ёғи нима бўлади?

Унда биз, статистика тили билан айтганда, 100 фоизли кўрсаткичга "эришамиз". Орадан яна маълум муддат ўтгач, тожиклар миллат сифатида, умуман, тугаб битади.

Хўш, мамлакат ўзини ўзи ўлдирувчилар "клуби"га айланиб бораётгани учун ким жавоб бериши керак?..

**Жонибек ВОСИЕВ.**
Центр Азия –
www.centrasia.ru

### «ЯСАМА СИГИР» СУТИ

**Буюк Британияда анчадан буён ясама (клонланган) сигир наслидан олаётган сутини дўконларга етказиб бериб турган фермерни фош этишди.**

Sky News тарқатган хабарга кўра Озиқ-овқат андозалари бўйича агентлик сертификатисиз сут топшириб келаётган фермер устидан тергов бошланди. Журналистнинг ёзишича, исм-шарифини ошкор қилмасликни илтимос қилган фермер анчадан бери "клонланган" сут сотиб келаётганини ўзи тан олган.

Фермер ҳамда унинг сутини харид қилиб келган дўкон эгаларини қандай жазо кутаётгани ҳақида хабар берилмаяпти. Клонланган моллар сути ёки гўштини сотиш Британия ва Европа қонунларига зид эмас. Бироқ маҳсулот топширувчи билан сотувчи қўлида унинг сифати яхши эканлигини тасдиқловчи махсус рухсатнома бўлиши керак.

Айрим ривожланган мамлакатларда клонланган моллар маҳсулотларини сотиш қонун билан чекланмаган. Масалан АҚШда тегишли рухсатнома 2008 йилдан буён амал қилаяпти. Маҳсулот етиштирувчилар учун сут ёки гўшт ёрлиғида уларнинг клонланган молга тегишли эканлигини кўрсатиш шарт эмас.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда,

**СИЗ – ТАДБИРКОРЛАР ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" ёки «007» қисқа рақамларига қўнғироқ қилишингиз мумкин

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91 232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 8371 | 273-74-81 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ.**

ИРОДА

# ҲАР ДИЛНИНГ МУРОДИ БОР

**Оҳангаронлик Дилмурод Юсуфалиев ҳозир 18 ёшда. Истиқлолнинг илк нафасидан баҳра олиб ўса бошлаган майсалар бугун гуркираган ниҳолга, дарахтга айланишди. Дилмурод ҳам шу боғнинг илк чечакларидан. Тоғ ёнбағридаги Серго қишлоғининг соф ҳавоси, зилол сувлари билан вужудига жо бўлган Ватан меҳри 8-9 ёшларидаёқ унинг қўлига қалам тутқазди.**

Она табиат, Ватан, дўсту биродар, устозларга бағишланган шеърий машқлари ўқитувчилари томонидан эътироф этила бошланди. Шаҳар ва туман газеталарида чоп этилиб, ўз мухлисларига эга бўлди. Устозлар ҳақида гап борганда эл ардоғидаги машҳур шоирлар Муҳаммад Юсуф, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Маҳмуд Тоир шеърларини қайта-қайта ўқишини, ёддан айтиб юришини мароқ билан сўзлайди у. Аммо, ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўллари кўп. Бахтсиз тасодиф туфайли оғир жароҳат олган ўсмирнинг ҳаёти хавф остида қолди.

– Бу ёғи ўғлингизнинг иродасига боғлиқ, – дейишди шифокорлар.

Шундай ҳам бўлди. Дилмурод шеъриятга бўлган ҳаваси, ишқи туфайли ҳаётнинг бундай бешафқат синовларига дош берди. Бир неча маротаба оғир операцияларни бошдан кечирди.

– Ёлғизгина ўғлимизга ёпишган дард шошириб қўйди, – дейди Зулхуморхон ҳазин овозда. – Лекин унинг иродасини кўриб, қалбимиздаги қўрқув ва аламни енга олдик. Ўғлимнинг ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқи туфайли дард чекинди. Ҳозир қўлидан китоб тушмайди...

– Келажакда эл назаридаги ижодкор бўлиб, Ватан равнақига ҳисса қўшиш орзусидаги сабру қаноат, матонат эгаси, албатта, таҳсину олқишга лойиқ. Унинг машқлари эса орзуларини рўёбга чиқарса ажаб эмас.

**Мустақиллик**

*Мустақиллик худди дўстимдек*
*Ўн тўққизга тўлди ёшлари,*
*Кутиб олиб бу йил ҳам сени*
*Қучоқлайин дўстим қатори.*

*Ўсмоқдасан, қанотинг ёзиб*
*Ўзбекистон, номинг жаранглар,*
*Дунёлар ҳам лол қолди бу кун*
*Ҳавас қилар инглиз, фаранглар.*

*Кўз тегмасин сенга илоҳим,*
*Сақлай абад қароқларимда.*
*Гуллайвергин, она диёрим,*
*Куйлаб ўтай ашъорларимда.*

**Онажон**

*Муродимга етдим деб*
*исм бердингиз менга*
*Дориломон кунлардан*
*шукрона ўзингизга.*
*Дилингизни шод этай,*
*жоним онам бор бўлинг*
*Муносиб ўғлон бўлай, нур*
*бўлай кўзингизга.*

*Бағрингизга бош қўйиб,*
*Ватан исин туяман*
*Ватаним қучоғида*
*меҳрингизга тўяман.*
*Бундай имконни берган*
*истиқлолдан ўргилай*
*Ватаним, онам учун*
*жонимни фидо қилай.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан, Бўка тумани ДСИ ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "ГАЗ-31029" русумли, д/р Z721MBM бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.12.2008й. Бошланғич баҳоси - 3 549 154 сўм. 2. "Тико" русумли, д/р C481CRM бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 10.12.2008й. Бошланғич баҳоси - 4 209 141 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 24 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Ҳамза тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 28.07.2010 йилда № 002921-07 реестр рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 301669273) "RAHIM DODA SAVDO" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 14.01.2010 йилда гувоҳнома рақами № 05-08623 билан рўйхатга олинган (ИНН 471622666) якка тартибдаги тадбиркор Саидакбаров Саидолим Саидмухтаровичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2003 йил 17 апрелда № 01-00557 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "BOSITXON" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 161 122 575 сўмдан 138 622 575 сўмга камайганлигини маълум қилади.

ФУТБОЛ

**Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати олий лигасида иштирок этаётган энг кучли ўн тўрт жамоа иккинчи давра беллашувларини бошлади.**

**Чемпионатнинг ҳал қилувчи палласи аввалги йилларга нисбатан янада кескин ва муросасиз ўтиши кутилмоқда. Чунки мамлакат кубогида финалга чиқолмаган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси келаси мавсумда Осиё чемпионлар лигасига йўлланмани нақд қилиши учун "Бунёдкор"дан чемпионлик унвонини қайтариб олиши лозим.**



# МУНОСИБЛАР ЧЕМПИОН БЎЛАДИ

"Пахтакор" Осиёнинг энг нуфузли мусобақасида саккиз йилдан буён узлуксиз иштирок этиб келаётган қитъадаги ягона футбол клубидир. Мазкур турнирда энг кўп ўйин ўтказиш ва ғалаба қозониш бўйича рекорд ўрнатган "Пахтакор" якунда чемпионлар лигаси йўлланмасидан қуруқ қолиши ҳам мумкин.

Мураккаб вазиятда қолган "Пахтакор" футболчилари иккинчи давранинг дастлабки учрашуви Зарафшонда "Қизилқум" футболчиларига қарши ўтказди. Мезбонларнинг жиддий қаршилигига дуч келган Равшан Ҳайдаров шогирдлари қийинчилик билан бўлса-да ғалаба қозонди. Жамоа сардори Одил Аҳмедовнинг 38-дақиқада киритган голи меҳмонларга 1:0 ҳисобида ғалаба келтирди.

Ўз майдонида чемпионат аутсайдери – "Хоразм" (Урганч) футболчиларини қабул қилган "Бунёдкор" 4:1 ҳисобида зафар қучди. Чемпионатнинг иккинчи ярмида Қашқадарё вакиллари – "Насаф" ва "Шўртан" ҳам совринли ўринлар учун курашмоқда.

"Насаф" ўн тўртинчи турда Бекободнинг "Металлург" жамоасини қабул қилди ва Илҳом Шомуродов, Анвар Солиевнинг голлари эвазига 2:0 ҳисобида зафар қучди.

Пойтахтда "Локомотив" жамоаси меҳмони бўлган "Шўртан" 1:0 ҳисобида зафар қучиб, тўртинчи ўринга кўтарилди. Ғузорликларни хушнуд этган голга Ярослав Крушельницкий муаллифлик қилди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Нефтчи" (Фарғона) – "Андижон" (Андижон) 1:1, "Навбаҳор" (Наманган) – "Олмалиқ" (Тошкент) 0:1, "Динамо" (Самарқанд) – "Машъал" (Муборак) 1:1.

Мусобақа жадвалида 38 очко жамғарган "Бунёдкор" футболчилари етакчилик қилмоқда. Энг яқин таъқибчи – "Пахтакор" пешқадамдан етти очко ортда. Кучли учликдан жой олган "Насаф" ҳисобида 27 очко бор.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

# МУШУК НИМА ДЕБ МИЁВЛАЙДИ?

– Матроскин, come, to me, – Василий Кот "дўсти" – мушукни эркалаб чақиради. Қўшни хонадан Матроскин ўқдек учиб чиқиб, эгасига яқинлашади. Шу пайт ҳайратомуз воқеа юз беради. Василий Петрович фақат мушук тушуниши мумкин бўлган сунъий товушда миёвлайди. Матроскин эгасининг кўзларига майин боқиб, ўз тилида жавоб қайтаради.

– Қорним очди деяпти, овқат ермиш, – таржима қилади Василий Петрович.

Ажабтовур фамилияли (Кот) бу одамнинг уйида аҳил-иноқ яшаётган учта эркак ва иккита урғочи мушуклар нафақат ўзаро, балки одамлар билан ҳам "гаплашишади". Уддабурон Матроскин инглиз тилида берилган буйруқларни бемалол тушунади. Назокатли Леопольд француз тилини "ўзлаштирган". Эгасининг ёқимтойи бўлган мулойим ва зукко Лиза илгари уй бекасига "Мама" дея аниқ-тиниқ мурожаат қилган. Овқатни эса инглизча "eat" сўзи орқали сўраб олган.

Тўғри, ушбу сатрлар муаллифига Лизанинг равон "гап-сўзлари"ни тинглаш насиб этмади. Сабаби – жароҳат олгандан буён у одамлар билан "гаплашмай қўйди". Лекин Василий Петровичнинг ишончи комил: Лиза соғайиб олгач, ўзининг бу энг қобилиятли ўқувчиси билан машғулотларни яна давом эттиради.

Қора зулукдек гўзал Леопольд кутилмаганда дивандан сапчиб туриб, ҳовлига отилди. Афтидан, нимадир унинг эътиборини тортди. Шу пайт Василий Петрович мушукчасига қаттиқ ғижинди. Остонага етиб келган Леопольд кескин тўхтади, итоаткорона бурилиб, диванга қайтди.

– Мен унга "орқага қайт!" дея буйруқ бердим, – уй эгаси мушукча сўзни "одамча"-га таржима қилиб берди. Сўнг ғув-ғувлаб, пишқириб, ҳур-ҳурлаб, инграб, увиллаб, мушукларнинг у қадар кўп бўлмаган, аммо, анчагина рангба-ранг тил бойлиги (луғати)ни намойиш этди.

Уй бекаси бир шиша кагор келтирди. Мушуклар ўз ялоқлари атрофида ҳаяжон билан айланишга тушдилар. Ольга Николаевна винони ялоққа қуйиб, сут билан аралаштирди.

– Кагор – ширин, – изоҳ беради Василий Петрович, – мушуклар эса ярим ширин нарсани ёқтиришади.

Сариқ ва қора мушук бирбирларини итариб-туртиб, "коктейл"ни ялашга тушдилар.

Қизиқ, мушукларга ичкилик "ичириш" яхши одамнинг иши эмас, ахир бу ғирт бемаънилик-ку!

– Олдинига мени бутун қишлоқ аҳли ўртага олиб таллади, – дейди Василий Петрович. – Жониворларни таҳқирлаяпти у ваҳший, дейишди. Мана қаранг, улар нақадар хурсанд, яхши вино уларга ёқаяпти. Мушуклар мен билан бир уйда туришади, ҳаётимиз уйғунлашиб кетган. Ҳамонки, кагор менга ёқар экан, нима учун дўстларимни бундай ҳузурдан бенасиб қилишим керак?



– Мушукларнинг чекишни ўрганишларига ҳам шундай "улфат"чилик сабаб бўлгандир?

– Сабаби кўп. Мана, Матроскин ҳақиқий кашанда.

Василий Петрович "Прима"ни ўт олдириб, Матроскинга "узатди". У сигаретни тишлари орасига олиб, кўзларини қисганича, тутунни ичига тортиб, бурун катакларидан пағa-пағa чиқарди.

– Леопольд кашанда эмас-у, аммо улфатлар ҳурмати, тутатиб туради, – дейди Василий Петрович.

Собиқ чет тили ўқитувчиси Василий Кот ҳозир бекорчи. Юз фоизли ногирон – кўзлари ожиз бўлиб қолди. Бу ўтган йилги ҳосил ўрим-йиғими пайтида олган жароҳатининг асорати. Тиббий маълумотномага кўра, чап кўзи бутунлай ишдан чиққан, ўнг кўзи 0,01 фоиз кўради, холос.

– Кейинги уч ой ичида анчагина ўзгариш бўлди, – дейди В. Кот. – Йўлдан ўтаётганимда бир неча ўн метрлар наридаги машинани кўраман. Бунинг учун Леопольддан қарздорман.

Маълум бўлишича, бутун оила ўз соғлигини мушуклар ёрдамида тиклаб тураркан.

– Қовоғимга оз миқдорда валерьянка сураман, – "рецепт"ни тушунтиради Василий Петрович. – Леопольд бошимга ётиб олиб, валерьянкани ялашга тушади. Бу пайтда у қоши устидаги узун, дағал "мўйловлари" билан кўзларимни қитиқлайди. Ишончим комилки, айнан шу мўйлов мушукнинг сеҳрли даволаш органи.

Матроскин ички аъзо касалликларини даволашга ихтисослашаяпти. У "ота"сини ошқозон ярасидан бутунлай фориғ этди. "Она"сини фиброма (зарарсиз ўсма)дан муваффақиятли даволаяпти.

– Матроскин бир кунда бир марта касал жойимга ўтириб, хуруллайди, – ҳикоя қилади Ольга Николаевна. – Муолажа етти дақиқадан йигирма дақиқагача давом этади. Ҳозир ўсма нафақат ўсишдан тўхтади, балки анча кичрайди, оғриқ ҳам қолди.

Энди бешта мушук ҳам Василий Петровичга камлик қилаяпти. Ҳозир у бутун округдаги мушукларни боқиб, парвариш қилиб юрибди.

– Бу – бошланиши, – дейди В. Кот. – Ҳозирча танишаяпмиз. Уларни синчиклаб кузатаяпман. Мақсад – энг иқтидорлиларини адашмай, танлаб олиш. Айрим ёш мушукларнинг қобилияти кўзга ташлана бошлади. Улар орасидан шундайларини танлаб олмоқчиманки, маълум оралиқ муддат давомидаги ўқув машғулотларидан сўнг улар бемалол гаплаша олсинлар.

**Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК ОРАСИ БИР ҚАДАМ

Ҳаётнинг сир-синоатлари бисёр. Агар гапингни билиб айтмасанг, қадамингни билиб босмасанг, бахт билан бахтсизликнинг ораси бир қадамлигини англаб етмасанг, унинг гирдоблари одам боласини не кўйларга солмайди.

Муҳаббат Убайдуллаевна эрта билан ҳар кунги иш жойи – Янгийўл туман тиббиёт бирлашмасига отланаётганида, шу қора гирдоб уни аллақачон ўз қаърига олганлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Йўлчи Каримов маҳалласида ҳамма унга яхши оила бекаси сифатида эҳтиром кўрсатарди. Ўртовул шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Илҳом Юнусматов ҳам у ҳақида оғзидан бол томиб гапиради.

– Врач-гинеколог Муҳаббат Муҳамедова катта обрў-эътиборга эга. У ўзининг хушмуомалалиги, ҳар доим ёрдамга шайлиги билан ажралиб туради. Кам таъминланган оилаларга мунтазам ёрдам кўрсатади.

Афсуски, бу гаплар бирор тантанада эмас, балки... жиноят ишлари бўйича вилоят судининг очиқ суд мажлисида айтилди. Гап Муҳаббат Убайдуллаевна ҳаёти ва фаолиятининг ёрқин кунлари ҳақида бораётган эди. У тиббий амалиёт билан шуғулланиб, "Мадина-медсервис" хусусий клиникасини ҳам очганди. Оқсоқол айтганидек, унинг турмушига қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар ҳавас қилишарди. Шириндан-шакар тўрт фарзанд вояга етаётганди.

Афсуски, ҳаётни роҳат-фароғатга айлантиришнинг осон йўлини топиш, юқорироқ амалга эришиш орзуси устунлик қилди. Ниҳоят, 2008 йилнинг 22 сентябрида Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасига тайинлангач, ўз ниятларини амалга ошириш фурсати келганлигини идрок этди. Ҳар бир амрини дарҳол ижро этишга тайёр ҳайбаракаллачиларни, хусусий клиникасида ноқонуний ишлатиб юрган ҳамшира Ҳамида Қудратова, ўз ҳамқишлоғи – шифокор Хатира Мирзаева, илгари Ўзбекистон Республикаси «Жиноят Кодекси»нинг 187-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиб, 2002 йилги амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинган бош ҳисобчи Холида Носирова сингари шахсларни атрофига тўплади.

Эътибор беринг, Муҳамедова 2008 йилнинг сентябрида амал курсисига ўтирди. У "иш"га шунчалик фаол киришиб кетдики, бу уринишлари уни 2009 йилнинг 30 март куни... қора курсига ўтқазди. Кунма-кунига ҳисоблаганда, бор-йўғи олти ой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи – марказий шифохона бош шифокори вазифасида ишлади.

"Шошган ўрдак ҳам боши, ҳам думи билан шўнғийди", деб бежиз айтилмаган. Бошлиқ мансабини эгаллагач, Муҳаббат Муҳамедова вақтни бекор ўтказмади. Ўзидан олдин шу лавозимда ишлаб, шармандаси чиққан, жиноий жавобгарликка тортилган А. Мусаевнинг тақдири ҳам унга сабоқ бўлмади. У маблағларни белгиланганидек йўналтириш ўрнига бюджет интизомини бузиб, "ишни енгиллаштириш" йўлини тутди. Чунончи, бирлашманинг собиқ бошлиғи ўзи етказган зарарни қоплаш учун топширган 31 миллион 300 минг сўмнинг маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган 28 миллион сўмдан ортиқ қисмини тиббиёт ускуналари, озиқ-овқат, дори-дармон сотиб олишга сарфлаб юборди. Ҳолбуки, бу харажатлар учун бюджетдан етарли маблағ ажратилганди. Айни шу сметада кўзда тутилган маблағнинг деярли 4,8 миллион сўмини гўё иқтисод қилинган ҳисоблаб, махсус ҳисоб рақамига нотўғри ўтказди. Шунингдек, ходимларга нотўғри тўланиб, кейин қайтариб олинган 1 миллион 157,2 минг сўм ҳам бюджетга қайтарилмай, яна ўша махсус ҳисоб рақамига ўтказилди. Умуман, 2008 йили "тежаб қолинган" 6 миллион 447 минг сўм маблағ шу ҳисобни тўлдирди. Ҳолбуки, айни шу кезлари тиббиёт бирлашмасининг озиқ-овқатдан 2 миллион 544,2, дори-дармон бўйича 946,8 минг сўм кредиторлик қарзи бор эди.

Маблағлардан фойдаланишдаги бундай қонунбузилишлар оз бўлмаган. Чунончи, даволанувчилар овқат учун тўлаган 400 минг сўм ошхонани таъмирлаш лойиҳасининг смета ҳужжатларини тузиш ҳамда тасдиқлаш учун "Ихлос Ҳавас Умид" масъулияти чекланган жамиятига тўлов сифатида сарфланди.

Маблағлардан шу тариқа бошқа мақсад учун фойдаланишларга мансаб сохтакорлиги чатишиб кетди. Жумладан, туғуруқ мажмуида овқатланиш учун уч кунлик пуллик тўловнинг маблағи кирим қилинмасдан 30 минг 500 сўмини Муҳаббат Муҳамедова, 39 минг 500 сўмини бош ҳисобчи Хатира Носирова хомталаш қилиб олишди. Буни яшириш учун беморлар номидан уч кунлик овқатдан воз кечганлик ҳақида ариза ёзишиб, уларни касаллик тарихига тиркаб қўйишди.

Муҳаббат Муҳамедованинг бундай қилмишлари бевосита ходимлардан "ўлпон" тўплаш, унинг ўз тили билан айтганда, "долья" йиғиш билан ҳам уланиб кетди. Бунинг учун у туғуруқ мажмуасида ҳамшира бўлиб ишловчи ўз ҳамқишлоғи Ҳамида Қудратовадан фойдаланди. Уни ўзининг хусусий клиникасига норасмий ишга олиб, ҳар қандай буйруқларини бажаришга ҳамиша тайёр ишончли одамига, яъни воситачисига айлантирди. Энди бошлиқ йиғинларда шифокору ҳамшираларга ишда бирор гап бўлса, бўшатиб юбориш билан дағдағаю пўписа қилар, Ҳамида эса, ҳеч қанча вақт ўтмай, хоналарни айланиб, бошлиқ "ишдан бўшатиб юбормаслик эвазига" 100-200 минг сўмдан "долья" тўплашни топширганини айтиб, ходимларни пора беришга очиқдан очиқ даъват қилиб, қийин-қистовга оларди.

Дастлабки қадам сифатида, январь ойида Ҳамида Қудратова орқали шифокорлар Фаридахон Рустамова, Дилбар Қорабекова, Клара Алиева, ҳамшира Дилором Одилжоновадан жами 225 минг сўм пора олди. Февраль ойида эса бундай "текин" пул 395 минг сўмга етди.

Шу тариқа мўмай пул топиш Муҳамедовани ғайратига миндириб, ҳар бир қадами учун пора талаб қилишни бошлади. Биргина мисол: 7 февраль куни у туғуруқ мажмуасида шифокор Хатира Мирзаева билан навбатчиликка турди. Биласиз, Мирзаева Муҳамедованинг ҳамқишлоғи, унинг хусусий клиникасида ҳам ишлайди. Шу боис ўз "валинеъмати"нинг ҳар қош қоқишини илғайди. Энди суд мажлисида гувоҳ Шарофат Раҳимова айтган сўзларни тингланг:

– Укамнинг келини Дилфузани қайнонаси билан туғуруқхонага олиб бордик. Ҳақиқатдан ҳам келин оғир аҳволда эди. Уни операция қилишди. Шифокор Хатира Мирзаева олдимизга келиб, жарроҳлик амалиёти яхши ўтганлигини, уни бош шифокор Муҳаббат Муҳамедова амалга оширганлигини билдириб, бунинг учун 80 минг сўм қўл ҳақи беришимиз кераклигини айтди. Ёнимизда шунча пул йўқ, эрта билан олиб келаман, дедим. Навбатчиликни топширгунга қадар бу пулни олиб келинг, дейишди. Эрталаб туғуруқхонага етиб бордим. Чиқсам, бош шифокор билан Мирзаева хонада ўтиришган экан. 80 минг сўмни стол устига қўйдим...

Ҳолбуки, бу жарроҳлик амалиётида ҳам шифокорлар касб сохтакорлигига йўл қўйишди. Ўлик ҳолида "ёриб" олинган бола учун ҳам 80 минг сўм олишдан ор қилишмади. 28 ҳафталик ҳомилани касаллик тарихида 20 ҳафталик ҳомила сифатида қайд этишди, вазни 400 грамм деб кўрсатишди. Текин даромадга бунчалик муккадан кетиш охир-оқибат ўз натижасини кўрсатди. 30 март куни содиқ воситачи Ҳамида Қудратова ўз хонасида навбатдаги пора пулларини йиғаётганида ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Бир неча дақиқадан кейин Муҳаббат Муҳамедованинг билакларига ҳам "ҳалқа" тақилди.

Ана энди унинг товланишларини кўрсангиз эди. Ўзини бамисоли фаришта қилиб кўрсатиб, судда нималар демади, кечаги ҳамкасблари бошига мағзава ағдаришдан ор қилмади. Бироқ, суд мажлисида гувоҳлик берган шифокорлар, жабрланганлар, тафтишчи мутахассисларнинг кўрсатмалари, суд-тиббий ва суд-кимёвий текширувлар хулосалари, қанчадан-қанча ҳужжатлар билан порахўр шифокор, бюджет интизомини қайта-қайта бузувчи бошлиқнинг жиноятлари тўла тасдиқланди.

Шу ўринда гувоҳ Фарида Рустамованинг судда айтганларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

– 2008 йилнинг охирларида Муҳамедова мени хонасига чақирди, – деди у. – Навбатчиликда турганингизда бўлган ҳар бир туғиш ҳолатидан "долья" берасиз деди. АҚШ долларида бўлсин деб, сумкасидан долларни олиб кўрсатди. Тазйиқ ўтказиб, ишдан бўшатиб юбориш билан қўрқитди. Шу боис, 2009 йил январь ойининг бошида 100 доллар беришга мажбур бўлдим. Бундан ташқари, ҳамшира орқали яна январь ойида 100 минг сўм, февраль ойида 70 минг сўм йиғиб олди. Бу асабийлашувлар оқибатида бетоб бўлиб қолдим, неврология бўлимида ётиб, даволандим...

Ниҳоят, пулпараст бошлиқ қилмишларига яраша жазо олди. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча моддалари бўйича айбли деб топилди ва умумий ҳисобда 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Албатта, ҳайбаракаллачилар ҳам жазосиз қолишмади. Бюджет интизомини бузишда бошлиқ топшириқларини қўшқўллаб бажарган бош ҳисобчи Холида Носирова Жиноят кодексининг бир неча модда ва қисмлари билан айбдор деб топилди. У бир йилга муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиниб, уч йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди. Кўп жиноятларни содир этишда воситачи бўлган Ҳамида Қудратовага эса 5 ой қамоқ жазоси белгиланди. Иқтисодчи Улуғбек Мамбетовга нисбатан ҳам бир йилу олти ойга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Оқсоқол Илҳом Юнусматов судда жон куйдириб айтган мақтовларнинг, уни кўкларга кўтариб, оқлов ҳукми чиқариб, суд залидан озод этилишини "илтимос" қилган Муҳаббат Муҳамедованинг кирдикорлари шулардан иборат. Агар шахсий манфаат кўчасига кириб кетмаганида, қадамини билиб босганида, бошига бундай маломатлар тушмас эди. Аммо жиноят кўчасига кириш кишининг одамлар кўз ўнгидаги юриш-туришига, ўзига тўқ оиланинг фарзанди бўлишига, пулга эҳтиёжи "йўқ"лигига қарамас экан-да. Шундай, бу, аввало, кўз илғамас фазилатлар билан белгиланади. Шу боис давлати, молмулки бисёр баъзи амалдорлар порахўрликка берилади, текин бойлик орттириш ҳаракатига тушиб, оқибатда қора курсига ўтиради. Бахтиёрликдан бахтсизлик сари йўл шундан бошланади.

**Аҳлиддин СОЛИЕВ.**

# ҚЎШИҚЛАРДА БАЙРАМ НАФАСИ

**Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан Оҳангарон шаҳри маиший хизмат касб-ҳунар коллежида Оҳангарон, Паркент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари ва Оҳангарон, Ангрен шаҳарлари ўртасида "Оналар куйлаганда" номли кўрик-танловнинг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.**

Унда миллий қадриятларимизга хос бўлган алла, ўлан, ёр-ёр, лапарлар айтиш бўйича аёлларимиз ўз истеъдодларини намойиш этдилар.

Танлов якунига кўра, Оҳангарон тумани аёллари ўлан, Оҳангарон шаҳар иштирокчилари алла, Пискент тумани вакиллари эса ёр-ёр айтиш бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

РАССОМ ХАНДАСИ




***– Тафтишга келишингизни эшитиб, сизга алоҳида хона тайёрлаб қўйдик.***

**Ҳасанбой СУЛТОНОВ чизган расм.**

## БУ – ҚИЗИҚ

- Аёллар чет тилларини эркакларга нисбатан тезроқ ўрганишар экан.
- Энг тез гапирадиган миллат – французлардир.
- Жигаримиз ҳар соатда 100 литрдан ортиқ қонни тозалайди.
- Одамнинг ҳар бир бармоғи ҳаёти давомида 25 миллион марта букилади.
- Кулганда одамнинг 17 та мушаги ишлайди.
- Малайзия пойтахти Куала Лумпурдаги Петронас Твин Тауерс эгизак бинолари дунёдаги энг баланд иншоот бўлиб, 452 метрга етади.
- Германияда 1395-1468 йилларда яшаган Иоган Гутенберг Европада илк матбаачиликка асос солган. У мойбўёқ асосидаги матбаа бўёғини ҳамда илк матбаа дастгоҳини ихтиро қилган.

ООО "MOYBULOQ PLUS", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента за № 005436 от 25.11.2009г., расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Чиланзар, 55-В (ИНН 301384653), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение собрании учредителей № 2 от 15.07.2010г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования указанного объявления.

ООО "KIM GLOBAL", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района № 002867-03 от 13.11.2007г. ИНН 300615515, ул. Нукус, дом № 83-А, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (согласно решения учредителя).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 126-24-61.

Общество с ограниченной ответственностью «AZIYA MED INVEST» (ОКПО 23033692) сообщает об уменьшении уставного фонда с 132 000 000 сумов до 3 000 000 сумов. Прентензии принимаются в течение одного месяца по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Нукус, д. 86, кв. 2.




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
**Сайёра РИХСИЕВА**

Навбатчи
**Ирода НОРБОЕВА**

Саҳифаловчи
**Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-740. Адади 5915. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 5